

## ҲАДИСЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Аллаева Шоҳиста

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21930891>

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳадисларни таржима қилишда таржимондан талаб қилинадиган асосий шартлар ва уларнинг лингвистик асослари мисоллар билан ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Ислом, Аллоҳ, пайгамбар, ҳадис, диний матнлар, таржима, ҳадисишунослик, истилоҳ, суннати набавий, эътиқод, шаръий.

**Abstract.** This article discusses, with examples, the main requirements that a translator must meet when translating hadiths, as well as their linguistic foundations.

**Keywords:** Islam, Allah, Prophet, hadith, religious texts, translation, hadith studies, terminology, Prophetic Sunnah, faith, Sharia.

**Аннотация.** В данной статье на конкретных примерах рассматриваются основные требования, предъявляемые к переводчику при переводе хадисов, а также их лингвистические основы.

**Ключевые слова:** ислам, Аллах, Пророк, хадис, религиозные тексты, перевод, хадисоведение, терминология, Сунна Пророка, вера, шариат.

**Кириш**

Таржима халқлар, тиллар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқотни таъминловчи муҳим воситалардан бири бўлиб, инсониятнинг илмий, маънавий ва маданий меросини бир тилдан иккинчи тилга етказишда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, диний манбаларни таржима қилиш таржимашуносликнинг энг мураккаб ва катта масъулият талаб этадиган соҳаларидан ҳисобланади. Чунки диний матнларда ифодаланган ҳар бир сўз, ибора ва истилоҳ муайян луғавий маъно билан бир қаторда ақидавий, шаръий, тарихий ва маданий мазмунни ҳам ўзида мужассам этади. Шу боис бундай матнларни бошқа тилга ўгиришда фақат лисоний эквивалентни топишнинг ўзи етарли бўлмай, асл матнда назарда тутилган маъно ва мақсадни тўлиқ англаш ҳамда уни таржима тилида аниқ ифодалаш талаб этилади.

Ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръони Карим ва суннати набавий мусулмон халқларининг диний эътиқоди, маънавий ҳаёти ва ахлоқий қарашларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Хусусан, ҳадислар Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, амаллари ва кўрсатмалари билан боғлиқ манба сифатида ислом таълимотини англашда катта аҳамиятга эга. Ислом дини муайян халқ ёки ҳудуд билан чекланмагани сабабли унинг таълимотларини турли тилларда сўзлашувчи халқларга тушунарли тарзда етказиш эҳтиёжи қадимдан мавжуд бўлган. Мақолада ҳам исломнинг умуминсоний моҳияти ва диний манбаларни турли тилларга таржима қилиш зарурати алоҳида таъкидланган.

Ҳадисларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш оддий лексик алмаштириш жараёни эмас. Бунда таржимон араб тилидаги сўз ва ибораларнинг луғавий маъноси билан бирга уларнинг матний контексти, услубий хусусиятлари, шаръий мазмуни ва тарихий-маданий заминини ҳам ҳисобга олиши лозим. Араб тилидаги муайян бир лексема контекстга қараб бир неча маъноларни ифодалаши, айрим шаръий тушунчаларнинг эса таржима қилинаётган тилда тўлиқ муқобили мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Бу эса таржимондан чуқур лингвистик билим, ҳадисшуносликка оид тайёргарлик ва катта таржимавий маҳоратни талаб қилади.

Диний матнлар таржимасидаги яна бир муҳим масала —маъно аниқлиги ва эквивалентликни сақлашдир. Бадиий ёки бошқа турдаги матнларда айрим услубий эркинликларга йўл қўйилиши мумкин бўлса, ҳадисларни таржима қилишда нотўғри танланган бир сўз ёки ибора матннинг шаръий мазмунига таъсир қилиши мумкин.

Айниқса, ақида, ибодат, ахлоқ ва шариат ҳукмларига доир тушунчаларни таржима қилишда таржимон ҳар бир лисоний бирликнинг семантик хусусиятларини синчиклаб ўрганиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, ҳадис таржимонига бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим талаблар қўйилади. У, аввало, ҳадиснинг асл тили бўлган араб тилини, унинг наҳв, сарф, луғат, фасоҳат ва балоғат хусусиятларини пухта эгаллаган бўлиши лозим. Шу билан бирга, таржима қилинаётган тилнинг лексик-семантик, грамматик ва услубий имкониятларини ҳам мукамал билиши талаб этилади. Мақолада таъкидланганидек, таржимоннинг фақат таржима тилида сўзлаша олиши етарли эмас, балки унда асл матн мазмунини теран ва аниқ ифодалай олиш даражасидаги билим ва малака бўлиши зарур.

Ҳадислар таржимасида шаръий истилоҳларни тўғри бериш масаласи ҳам алоҳида илмий аҳамият касб этади. Чунки айрим диний атамалар муайян концептуал ва шаръий мазмунга эга бўлиб, уларни бошқа тилдаги ташқи жиҳатдан яқин сўз билан алмаштириш асл маънонинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, турли дин ва маданиятларга мансуб тилларда бир-бирига ўхшаш лексик бирликларнинг диний-концептуал мазмуни фарқ қилиши эҳтимоли юқори. Шунинг учун таржимон нафақат икки тилнинг луғат таркибини, балки манба ва таржима тиллари мансуб бўлган маданий муҳитни ҳам яхши билиши зарур. Мақолада шаръий истилоҳларнинг муқобилини танлашда айнан шу муаммога эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, ҳадисларни тўғри таржима қилиш таржимондан етарли илмий ва шаръий билимни талаб этади. Зеро, таржима жараёни, биринчи навбатда, матнни тўғри тушуниш, ундан кейин эса англланган мазмунни бошқа тил воситалари орқали ифодалашдан иборат. Агар таржимон ҳадис мазмуни, унинг шаръий моҳияти ва қўлланилиш контекстини тўғри англамаса, таржима жараёнида асл мақсаддан оғиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Шу сабабли ҳадис таржимасида лингвистик компетенция билан бир қаторда ҳадисшунослик ва шаръий илмларга оид билимларнинг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги глобал ахборот маконида диний адабиётларнинг турли тилларга таржима қилиниши ва электрон шаклда кенг тарқалиши мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширмоқда. Турли тиллардаги ҳадис таржималарининг сифати, диний истилоҳларнинг тўғри ифодаланиши ва асл матн мазмунига содиқликни таъминлаш нафақат таржимашунослик, балки ҳадисшунослик ва диний манбашунослик нуқтаи назаридан ҳам жиддий тадқиқотларни талаб қилади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур мақоланинг асосий мақсади ҳадисларни бошқа тилларга таржима қилиш жараёнида таржимонга қўйиладиган асосий талабларни аниқлаш, уларнинг лингвистик ва илмий асосларини таҳлил қилиш ҳамда диний ва шаръий истилоҳларни таржима қилишда юзага келадиган муаммоларни мисоллар асосида ёритишдан иборат.

Шунингдек, ҳадис таржимасида асл матн мазмунига содиқлик, тиллараро ва маданиятлараро мувофиқликни таъминлаш ҳамда таржимоннинг лисоний ва шаръий компетенциясининг аҳамиятини асослаш мақоланинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

### Асосий қисм

Албатта, дини Ислом Пайғамбар алайҳиссалом замонларидан то Қиёмат кунига қадар бир тоифа инсонлар ёки биргина қавм ёхуд бирор халқ учун махсус эмас, балки бутун инсоният учун юборилган охирги ҳақ диндир.

Аллоҳ Таоло Ўз Китобида шундай марҳамат қилади:

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعاً  
[الأعراف: 158]

Сен: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга,..... Аллоҳнинг Пайғамбаридирман....

(Аъроф сураси 158-оят)

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар:

وَبُعِثْتُ إِلَى النَّاسِ كُلِّهِمْ

«Мен барча одамларга умумий (пайғамбар) қилиб юборилдим.»

(Муслим ривояти)

Аллоҳ Таолонинг ҳукми барча инсонларга етиб бориши учун ушбу ҳукмларни улар тушунадиган тилда етказиш лозим бўлгани туфайли, Аллоҳ Таоло шундай дейди:

وما أرسلنا من رسول إلا بلسان قومه ليبين لهم فيضل الله من يشاء ويهدي من يشاء وهو العزيز الحكيم

"Қайсики Пайғамбарни юборган бўлсак, баён қилиб бериши учун ўз қавми тили ила юборганмиз. Бас, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказадир, кимни хоҳласа, ҳидоятга соладир. У азиз ва ҳикматли зотдир".

(Иброҳим сураси 4-оят)

Ибни Касир раҳимахуллоҳ айтадилар: "Аллоҳ Таоло Ўз махлуқотларига раҳм-шафқат қилиб уларга ўз тилларида сўзлайдиган элчиларни, улар истаган нарсани ва ушбу рисолатни уларга тушунтириш учун юборди.

Шу ердан Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини турли тилларга таржима қилиш аҳамияти ва зарурати намоён бўлади.

Ислом умуминсоний рисолатдир, шунинг учун уни кун ва тун каби очик ва равшан сураатда етказмоқ керак. Ушбу вазифани бажаришда юз йиллардан буён кўп сонли инсонлар томонидан талайгина уринишлар, саъй-ҳаракатлар қилиб келинмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида кўпгина таржималар қилинди. Уларнинг орасида тўғри ва аслга яқин ишлар ҳам, аксинча ҳолатлар ҳам бўлди. Таржимонларнинг илми ва маҳоратларига қараб юзага келган кўпгина таржима ишлар орасида баъзи хатоликлар ҳам учраши табиий ҳол. Бу таржималар орасида ҳақиқий маънога зид бўлган тушунчалар, тўғрилиқдан оғишган жойларига ҳам дуч келинди.

Ҳаммага маълумки, таржима ўта мураккаб жараён, таржимоннинг олдига қўйилган шартлар осон шартлар эмас. Ушбу шартларнинг баъзилари ўзгариши туфайли таржима матнида кўп хатоликлар, турли маънодаги оғишлар юзага келади.

Аллоҳ Таолонинг Китоби ёки Ҳадиси шарифларнинг асл маъноларига путур етказиш энг аввало буюк гуноҳ эканлиги, қолаверса инсонлар орасида турли келишмовчилик ва ихтилофларни келтириб чиқариши барчамизга кундай равшан ҳақиқатдир.

Иш шу даражада экан, демак шак-шубҳа йўқки, ҳақиқатни баён этиш ва эътиқодий хатолардан огоҳлантириш энг катта вазифалардан, ҳамда фарзи кифоя бўлган ишлар сирасига киради.

Абул Аббос роҳимаҳуллоҳ шундай дейдилар: "Насихат қилиш хос ва умумий манфаатлар, яъни хато қилувчи ёки ёлғон сўзловчининг ҳадис нақл қилиши каби ишлар учун бўлса, уларнинг ҳолатини баён этиш ва одамларни бундан огоҳлантириш билиттифоқ вожибдир.

Диний матнларни таржима қилиш мураккаб бўлган таржима турларидан биридир.

Мазкур таржиманинг бошқа таржима турларидан катта фарқ қилишининг сабаби, ушбу таржима тури кучли эътибор, қатъий талаб, чуқур тил билиш кўникмаси ва маҳорати, ҳамда етарли аниқлик талаб қилади.

Диний матнлар таржимасига оид кўплаб муаммолар мазкур матнлар юзага келган замонга доир, ҳамда таржима тиллари орасидаги улкан маданиятлараро бўшлиқ туфайли пайдо бўлади. Шу жиҳатдан, диний матнлар таржимаси энг муаммоли таржима туридир.

Чунки, мазкур матнлар ўз муқаддас илоҳий маъноларига эгадир, негаки улар Аллоҳ Таоло ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак каломларидир. Шу сабабли, уларнинг таржима тилига ўгиришда талайгина мураккабликлар содир бўлади.

Худди асл тилдаги каби ҳам маданий, ҳам лисоний мазмун жиҳатидан айнан мос келувчи бир хил тил бирлигини таржима тилида топа олиш осон эмас. Шу сабаб, таржимон шахс ўз таржимасида қайси маданий жиҳатга кўпроқ эътибор берганлигини аниқлаб олиши лозим. Тилнинг вазифавий табиатининг сўзлар маъносида ифода этишлиги диний матнлар таржимасида кўпроқ аҳамиятга эгадир.

Баъзи олимлар, мисол учун Ғаззола (1995), диний лисоний бирликларни бир қанча турларга таснифлади. Масалан, қуйидаги уч тур:

1) Ислом келишидан олдин арабларда истъомолда бўлмаган сўзлар: «Қуръон», «шаҳодат» каби;

2) Ислом келишлиги билан ўзгача маъно касб этган арабларга таниш бўлган арабий сўзлар: «Салот» (намоз), «ҳаж» каби.

Шундай қилиб, диний матнлар таржимасида таржимон нафақат араб ва ўз тилини лисоний хусусиятлари, балки араб тилини мукаммал даражада билишлиги билан Қуръону Ҳадиснинг наҳву сарф, фасоҳату балоғат илмларига хос бўлган жойларини тўлиқ англаши лозимдир. Энг муҳими эса, Қуръон ва ҳадиси шарифлар таржимони Қуръон ва Ҳадиси шарифлардаги сўз ва иборалардан кўзда тутилган дақиқ тағма'ноларни, ҳатто энг кичик боғловчи сўз ёки қўшимчанинг ҳам ўз она тилига солиштирганда акс этадиган мазмунларини мукаммал суратда англамоғи лозим.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларни бошқа тилларга таржима қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Таржима қилинган ҳадислар араб тилида сўзлашмайдиган инсонларга ислом дини билан яқиндан танишишга имкон беради. Бу мақсад учун ҳадиснинг умумий маъноси ва мазмунини етказишга ёрдам берувчи герменевтик таржима ёндашувини қўллаш энг маъқул йўл ҳисобланади. Лекин бу герменевтик таржима усулида сўзларни аслий маъноси йўқолади дегани эмас.

Таржима қилинаётган ҳадисларнинг маъноси тўғри очиб берилганлигига эришиш учун таржимон ҳам араб тили ҳам таржима қилинаётган тил соҳаси бўйича кучли мутахассис бўлиши, етук билимга эга бўлиши керак. Бу мутахассис матнни таҳлил қила олиши ва ҳадис орқали назарда тутилаётган мазмунни тўлиқ тушуниши керак. Шунинг учун, таржима соҳасида таржима қилинаётган матнни қисмларга бўлиб эмас, балким яхлит мазмун касб этувчи асар сифатида қараш тавсия этилади.

Муқаддас диний матнлар бутун дунё миқёсида катта талабга эга, чунки иймон-этиқодли кишиларнинг ҳаётида ушбу китоблар руҳий ва маънавий озуқа манбаи сифатида ўрин тутди.

Диний матнлар таржимонининг ҳадиси шарифларни ўғиришда араб тилини мукамал билиши.

Ҳадиси шарифлар таржимони атаб тилини пухта билишлиги таржима жараёнидаги эн муҳим омилдир. Тилдаги билимга қараб унинг таржимаси аслга энг яқин бўлади, акс ҳолда эса, тилни яхши билмаслиги жумбоқли катта ва кичик хатоларга тушиб қолишига сабаб бўлади.

Ҳадиси шарифлар ва суннати набавийнинг таржимаси. Набавий ҳадиснинг маъносини бошқа тилга ўғириш унинг маъносини теран англашга боғлиқ. Бу эса тилни энг майда қонун-қоидаларигача дақиқ билишлик туфайли эришилади. Қуръони карим фасоҳатли араб тилида нозил бўлган:

بَلِّسَانٍ عَرَبِيٍّ مُبِينٍ  
(الشعراء: 195)

«Очиқ-ойдин араб тилида»

(Шуаро сураси 195-оят)

Араб тилида бошқа тилларда бўлмаган етук баён, кўп қиррали ифода услуби мавжуд. Шу сабаб, араб тили жуда кенг ва чуқур маъноли тилдир. Ҳаттоки, араб тилининг энг кучли билимдони бўлса ҳам бу тилнинг ҳаммасини қамраб оломайди. Имом Шофеъий айтадиларки, «Араб тили энг кенг қамровли, сўзга бой тилдир. Бу илмнинг барчасини Пайғамбар алайҳиссаломдан бошқаси қамраб олганини билмаймиз.»

Дини исломнинг анча аввалги пайтларида баъзи кишилар араб тилини мукамал билмасаларда, савоб қилиш ва дини исломга муҳаббат уиштиёқлари сабаб таржима билан шуғуллана бошладилар ва ушбу таржима ишлар кенг тарқаб кетди. Бу эса уларнинг ўзлари сезмаган ўринларда хатога тушиб қолишларига олиб келди. Тилни мукамал билмаган инсон бундай масъулиятли вазифани зиммасига олишлиги тўғри бўлмайди.

Араб тилидаги битта сўз бир неча маънога эга бўлиши мумкин; Ҳадисда кўзда тутилган маънони аниқлаш, мақсадни белгилайдиган нутқ мазмунини яхши тушунишни талаб қилади ва кириш, кечикиш, чекланиш, метафора турлари ва бошқа риторика шакллари маънони тушунишга ўз таъсирини кўрсатади. Мазкур ма'ноларни эса тилни мукамал билмайдиган киши англаб етолмайди.

Шу сабабдан, олимлар билиттифоқ таржиманинг жоиз бўлишининг шарти таржимон араб тилини мукамал билиши керак, деган қарорга келишган.

Мужоҳид раҳимахуллоҳ айтадилар: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳар бир киши араб тилини билмаса, Аллоҳнинг китоби ҳақида гапириши жоиз эмас»

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Менга араб тилини билмасдан Аллоҳнинг китобини шарҳлайдиган бирор киши йўлиқса албатта уни жазога тортаман».

Демак, юқорида айтилганларни англаб етган, сўнгра араб тилини билмайдиган кишилар томонидан ёзилган таржималарнинг ҳақиқати ҳақида ўйлаб кўрган киши, таржима мавзусига катта эътибор бериш, яъни қайта кўриб чиқиш ва тузатиш кераклигини тушуниб етади.

Таржимоннинг таржима тилини яхши билмаслигидан шу нарса маълум бўладики, тўғри таржима таржимондан таржима тилини тўғри идрок этишини талаб қилади.

Ушбу тилга таржима қилиш учун таржимон шу тилда гаплаша оладиган бўлиши кифоя қилмайди, балки ушбу тил ва унинг илмларини шу даражада мукаммал. билиши лозимки, матнлардаги назарда тутилаётган маънони теран ва чуқур ифода қила олиши керак. Баъзида, араб тилидаги биргина сўз бошқа тилда бир неча сўзлар билан ифода этилади, баъзан эса ушбу сўзлар орасида нозик фарқлар кўзга ташланади. Ушбу сўзлар орасида муносибини танлаш осон вазифа эмас. Араб тилидаги сўзга таржимада мос сўз бўлмаса иш янада мураккаблашади.

Бу ҳолатда ушбу сўзни бошқа тилга ўгиришда маъно равшан бўлгунча кўпроқ сўз билан қўлдан келганча ифода этиши, кўпроқ шарҳлаши лозим бўлади. Айниқса, эътиқод масалаларида ниҳоят даражада диққатли ва эътиборли бўлиши керак

Ушбу ўринда зикри келтирилган хатолар сирасига кирадиган ҳолатлардан яна бирини эслаб ўтиш лозим. Инглиз тилига қилинган таржималардан бирида Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ушбу сўзлари, яъни:

يقول الله عز و جل: أنا عند ظن عبدي بي و انا معه حين يذكرني فإنذكرني في نفسه ذكرته في نفسي

Аллоҳ таоло шундай дейди: Мен бандамнинг мен ҳақимдаги гумонидаман. Бандам мени эслаганда, Мен у билан биргаман. Мени ёлғиз эсласа, Мен ҳам уни ёлғиз эслайман».

Ушбу ҳадиснинг ушбу

انا عند ظن عبدي بي

қисмида «Бандам Мени эслаганда уни фикрида яшайман, тураман», деб таржима қилинган.

ذكرته في نفسي

жумласи эса «Қалбимда эсладим» деб таржима қилинган.

Бундай муаммо айниқса шаръий истелоҳлар ва атамаларни ўгиришда ўзининг авж нуктасига етади. Чунки, шаръий истелоҳлар ўз чегараланган маъносига эга. Баъзида эса, таржима қилинаётган тилда ушбу сўзни ифода этувчи муқобил сўз топилмайди, гоҳида эса бундай сўз бўлсада, луғавий жиҳатдан маъноси ҳам тўғри келсада, аммо асл тилдаги сўзни аниқ ва дақиқ тушунтириб беролмайди.

Баъзида эса таржима қилинган тил эгалари бўлган диндор кишилар наздида бир сўздан шариятдаги тескари маъно ҳам тушуниб қолиниши ҳам мумкин ва чунки ўша тилда бу сўз бошқачароқ мазмунни ифода этиши ва шу сабабли, шаръий матнни ўша маънода тушуниб қолишлари мумкин. Буни мисолларда тушунадиган бўлсак, кўпгина инглиз тилига таржима қилинган суннатга оид китобларда (الرسول) сўзи (abostle) деган сўз билан берилган. Бу сўз Пайғамбар, элчи ёки ҳаворий, яъни шогирд, эргашувчи, асҳоб деган маъноларни ифода қилади. Энди тасаввур қиладиган бўлсак, агарда таржимон (الرسول) сўзидан ҳаворий эмас, балким айнан элчи маъносини ирода қилса, яъни ушбу (abostle) сўзи Исо алайҳиссаломнинг шогирдлари, яъни ҳаворийлари маъносида келади.

Шунинг учун насронийлар (Abostle's creed) сўзини «ўн иккита элчига мансуб» дейдилар.

Бу маъноларни Муқаддас китоб қомусида зикри келганлиги ҳам қувватлайди.

Демак, шу ердан англашиладики, таржимон аҳамият бериши шарт бўлган энг муҳим нуқта шуки, ҳоҳ диний, ҳоҳ маданий, ёки ижтимоий ёхуд тарихий жиҳатдан бўлсин, ушбу таржимани ўқийдиган ижтимоий қатлам яшаётган макон диққат эътибордан четда қолмаслиги кеерае, чунки тилда бир сўз бир маънони англатса, урфда эса, яъни одатда у бошқа маънони ифодалаши мумкин. Шунинг учун ҳам, таржимон ушбу сўзнинг фақат луғатдаги маъносини назарда тутиб, ўқувчининг зеҳнига энг яқин бўлган урфдаги маъносини унутиб қўйишлиги тўғри бўлмайди.

### 3.Таржимоннинг илмий базаси йўқлиги.

Таржима иши икки асосга суянади:

Матнни тушуниш-бу асосдир-сўнгра уни бошқа тилда ифода этишдир. Ҳадис шарифларни таржима қилиш эса фақатгина уларни теран англаш билан амалга ошади.

Унинг маъносини англаш, назарда тутилган маънони саҳиҳ илмий қоидаларга мувофиқ эгаллаш ҳисобланади. Бу эса илмий имконият-қудратни, шаръий билимни талаб қиладиган ишдир. Акс ҳолда шарият ҳукмларини билмайдиган киши баъзан ҳадисни бошқача тушунтиради, ҳақиқий маъносини бошқа томонга буриб юборади.

### Хулоса

Шундай қилиб, ҳадисларни бошқа тилга ўгириш ўта масъулиятли ва таржимондан камоли эҳтимом ва етук диққатни талаб қилувчи жараён бўлиб, нафақат амалий балки маънавий ва эътиқодий камолотни талаб қилувчи ишдир. Негаки, бу туфайли Аллоҳнинг буюк пайғамбарининг муқаддас ўғитлари ва ҳаётий кўрсатмалари инсоннинг шаръий мақсадларини амалга оширишда керак бўлган амаллари юзага келади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «HILOL NASHR». Тошкент 2017
2. «Тафсири Ҳилол». Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «HILOL NASHR» Тошкент. 2007
3. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий «Саҳиҳул Бухорий». Тошкент, 1973.
4. Ҳадис ва ҳаёт "Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Hilol-Nashr» Тошкент. 2021
5. "ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ". ТОЖИБОЕВ ИЛХОМЖОН. Наманган 2018
6. Ганишер Раҳимов" ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ" «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент. 2016